

Келажакда, умматнинг охирида бир халифа чиқади



15:20 / 21.10.2024 2336

نُبِّهَ هَلْ لَ اِذِي بُعْ نَع
شِرَاخْ لَ لَخَد : لَ اِقْرَ ةِي طِبِ قُ لَ ا
هَلْ لَ ا ذُبَعَّ وَا عِي بَر ي بَا نُ ب
يَلَع اُمُّ عَم اَنَّا وَا نَا وُفَصُّ نُ ب

نَعِ اهالأسَفَ ةَمَلَسِ مُمُ
هَبُ فَسُخِي يَدُّلَا شِيَجُلَا
نُبَا مَائِي أَيَفَ كَلَذَنَاكَ وَ
لُوسَرَ لَأَقُ : تَلَأَقَفُ ، رِيَبُزَلَا
هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَصِرِ هَلَلَا
تِيَبُ لِبَابُ ذِيَأَعُ ذُوَعِي » : مَلَسَو
أَذِإَفُ ثَعَبِ هَيَلَا ثَعَبِي فِ
ضُرَأَلَا نَمَ ءَأَذِي بَبَا أُونَاكَ
أَيُ : تَلُوقَفُ ، « مِهَبُ فَسُخِ
نَمَبُ فَيِكَ فِ هَلَلَا لُوسَرَ
هَبُ فَسُخِي » : لَأَقُ أَوِرَاكَ نَاكَ
مُويُ ثَعَبِي هُنَكَ لَوُ مُمُ عَم
يَفَو . « هَتِّي ن يَلَعِ ةَمَائِي قُلَا

نُبِّهَ لَلْأَذْبَعِ لَأَقِ: ةَيَاوَر أَذْهَبَ وَهُ أَمْرٌ هَلْ لَأَوَ أَمَّا: نَأَوْفَ ص نُبِّهَ لَلْأَتِ قَلِ يَتِ أَلِ شَيْ جَلِ ةَغَبْرَأَلِ هَأَوَرِ زِيَبُزَلِ

Убайдуллоҳ ибн Қибтийя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳорис ибн Абу Робийъа ва Абдуллоҳ ибн Сафвон розияллоҳу анҳумолар Умму Салама розияллоҳу анҳонинг ҳузурларига киришди. Мен ҳам улар билан бирга эдим. Икковлари у кишидан ер ютиб юборадиган лашкар ҳақида сўрашди. Ўша вақтда Ибн Зубайрнинг воқеаси бўлаётган кунлар эди. Умму Салама шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Бир паноҳ истовчи Байтдан паноҳ топади. Сўнг унга бир аскар юборилади. Сайҳонликка етганларида уларни ер ютади»**, деганлар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўша ишни ёқтирмаганлар қандоқ бўладилар?» десам, у зот: **«Уни ҳам улар билан қўшиб ер ютади, лекин у Қиёмат куни ниятига яраша тиради»**, дедилар».

Бошқа бир ривоятда «Абдуллоҳ ибн Сафвон «Ундоқ бўлса, ўша аскар манави Ибн Зубайрга қарши қитолга юборилган лашкар эмас экан», деди», дейилган.

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумо Маккада умавийлар халифалигига қарши чиқиб, Ҳижозда ўз халифалигини эълон қилган. Шунда Шомдаги халифа Язид ибн Муовия у кишига қарши Ҳажжож золим бошчилигида лашкар юборган, Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Каъбага кириб паноҳ топганлар.

Ўшанда одамлар Пайғамбар алайҳиссаломнинг Қиёмат яқин қолганда бир одам Каъбага кириб паноҳ топиши, унга қарши юборилган лашкарни эса ер ютиши ҳақидаги ҳадиси шарифларини эслаб қолишган. Ҳорис ибн Абу Робийъа ва Абдуллоҳ ибн Сафвон розияллоҳу анҳумолар Умму Салама

онамиз розияллоху анҳодан бу ҳадиси шариф ҳақида сўраш учун келишган. Улар билан бирга ушбу ривоятнинг ровийси Убайдуллоҳ ибн Қибтийя розияллоху анҳу ҳам бўлган.

Улар Умму Салама онамиз розияллоху анҳодан бу ҳадиси шарифни эшитганларидан сўнг, гап бошқа паноҳ топувчи ҳақида, бошқа лашкар ҳақида эканини англаб етганлар.

Ростдан ҳам Ҳажжожнинг лашкарини ер ютмаган. Дарҳақиқат, бу ҳадиси шарифда гап бошқа лашкар, яъни Имом Маҳдий розияллоху анҳу Каъбадан паноҳ топганларида у кишига қарши юбориладиган лашкар ҳақида кетган.

يَبْنَونَ لَانَعَمَ لَسْمُأَنَع
مَلَسَوَهُ يَلَعُهُ لَلَا يَلَص
ذَنَعُ فَالْتُخَانُوكِي» : لاق
لُجَرُجُخِي فِ، ةَفِي لَخِ تَوْم
يَلِإِبْرَاهِمَ نِي دَمُ لَلْهَأَنَم
لَهَأَنَمُ سَأَنَ هِي تَأِي فِ، ةَكَم
هُرَاكُ وَهُوَ هُنُوجُخِي فِ، ةَكَم
نُكْرَلَانِي بَهُنُوعِي أَبِي فِ
ثَعَبِ هِي لِإِثْعَبِي وَ، مَاقَمُ لَأَو

فَسُخِّيْفِ ، مَأْشَلِ لِهَآءِ نَم
هَكَمَ نِيْبِ ءَاذِيْبِ لِبَابِ مِوِبِ
سَأْنَلَا يَأْرَازِإِفِ ، هَئِنِي دَمْلَاوِ
مَأْشَلَا لَأَذْبَآءَاتَا كِلَازِ
قَارْعَلَا لِهَآءِ بِيْءَا صَعَوِ
نَكْرَلَا نِيْبِ هَنُوْعِيْ أَبِيْفِ
نَمْلُجْرَأْشَنِي سُمْتِ مَأَقْمَلَاوِ
تَغْبِيْفِ بَلَكْ هَلَاوْخَا شِيْرُقِ
نَوْرَهْظِيْفِ ، أَتْغَبْ مَهْيَلَا
بَلَكْ تَغْبَلْ كِلَازِ دَوْمَهْيَلَعِ
دَهْشِيْ مَمْلُ نَمْلُ هَبْيِخَلَاوِ
مَسْقِيْفِ ، بَلَكْ هَمِيْنِغِ
سَأْنَلَا يِفْلَمْعِيْوَلَامْلَا

هَلَلَا يَلَّصِرْ مَهْيَبَنَ نَسْبِ
يَقْلُيْ وَ مَلَّسَ وَ هَيْلَعِ
ضُرَّالْ يَفِ هِنَ اَرْجَبُ مَالْ سِ اِلَا
مُتْ ، نِي نَسْ غَبَسُ ثَبْلَيَفِ
هَيْلَعِ يَلَّصِي وَ يَفَوْتِي
دُوَادُ وَبَاْ هَاوَرِ . «نَوْمُ سُمْلَا

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Бир халифа вафот этганда ихтилоф бўлади. Мадинадан бир киши Маккага қочиб чиқади. Унинг олдига Маккадан одамлар келиб, ўзи истамаса ҳам уни олиб чиқиб, Рукн билан Мақом ўртасида унга байъат қиладилар. Унга қарши Шомдан аскар юборилади, лекин уларни Макка билан Мадина орасидаги сайҳонликда ер ютади. Одамлар буни кўргач, унинг олдига Шомнинг абдоллари - авлиёлари ва аҳли Ироқнинг яхшилари келиб, унга байъат қиладилар. Сўнгра қурайшдан тоғаси Бану Калблик бир киши чиқади. Маҳдий уларнинг устига аскар юбориб, уларга ғолиб келади. Ана ўша Калбнинг аскаридир. Калбнинг ўлжасига ҳозир бўлмаган одам ноумиддир. Кейин у (Маҳдий) молни тақсим қилади, одамлар орасида Набийлари соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатига амал қилади. Ер юзида Ислом қарор топади. У етти йил қолиб, сўнг вафот этади, мусулмонлар унинг жанозасини ўқийдилар».**

Абу Довуд ривоят қилган.

هُلِّلَا يِضَرَ رَءُضَن يِبَا نَع
رَبَّاجَ ذَنَع أَنُك بَلَاقُ هُنَع
بَلَاقُ فُ هُنَع هَلِّلَا يِضَرَ
يَبُجِّي أَلَا قَارِعُ لَالُ هَا كِ شُوي
مَهْرِدَ أَلَوُ زِي فَقُ مَهْيَلَا
بَلَاقُ ؟ كَاذَنِيَا نَم : أَنَلُقُ
بَلَاقُ مُمُث ، كَاذَنُوعَنُ مِي مَجَعُ لَا
يَبُجِّي أَلَا مَأْشَلَا لُ هَا كِ شُوي
: أَنَلُقُ يَدُمُ أَلَوُ رَانِي دُ مَهْيَلَا
لَبِقُ نَم : بَلَاقُ ؟ كَاذَنِيَا نَم
مُمُثَّ هَيِّنُهُ تَكَسَّ مُمُثِ مَوْرَلَا
يَلَصَرُ هَلِّلَا لُ وُسَرَلَاقُ : بَلَاقُ
نُوكَيِ » : مَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلِّلَا

يُثَخِّي ۞ فَيَلَخَّ يَتَّمُّرُ خِ آ ي ف
«أَدَعُ ۞ دُعَايَ آلِ أَيُّثَحَّ لَامُ لَ ا
۞ نَأَى رَتَأَى ۞ رُضَنَنَ يَبَأَلُ تُلُقُ
۞ لَأَقُ ۞ زِي زَعُ لَ ا دُبَعُ ۞ نُبُ رَمُعُ
آل.

Абу Назра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Жобир розияллоху анхунинг олдида эдик, у шундай деди: «Келажакда аҳли Ироқдан қафиз ҳам, дирҳам ҳам йиғилмайди», деди. «Бу қаердан?» дедик. «Ажамлар уни беришмайди», деди. Сўнгра: «Келажакда аҳли Шомдан муд ҳам, динор ҳам йиғилмайди», деди. «Бу қаердан?» дедик. «Рум тарафдан», деди. Бир оз сукут сақлаб туриб, «Расулуллоҳ алайҳиссалом **«Келажакда, умматимнинг охирида бир халифа чиқади. У молни сочади, уни санамайди»**, деганлар», деди. Абу Назрага «Сенингча, ўша Умар ибн Абдулазизми?» деган эдим, «Йўқ», деди».

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан